# АДАБИЙ АСАР ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

**Д.Ҳ.Қуронов**

*Мақолада адабий асар ва гап (диалог репликаси)нинг нутқий жанр сифатидаги муштарак томонлари тавсифланган. Бундай ёндашув адабий-бадиий ижод табиати, адабий асар талқини каби қатор назарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга йўналиш, андоза бера олиши кўрсатилган.*

***Калит сўзлар**: нутқий жанр, коммуникация, коммуникатив бирлик, нутқий вазият, диалог, реплика, адабий асар, сўзловчи, ёзувчи.*

*В статье описаны аналогичные свойства литературного произведения и предложения (реплики диалога), являющихся речевыми жанрами. Показано, что такой подход может дать верное направление решению ряда теоретических проблем, таких, как природа литературного творчества, интерпретация литературного произведения.*

***Ключевые слова**: речевой жанр, коммуникация, коммуникативная единица, речевая ситуация, литературное произведение, говорящий, писатель.*

*The article describes the similar peculiarities of literary work and sentence in the dialogue. Such an approach can provide a new approach and direction to the development of the nature of literary creation and creative analysis of the literary work which can help to settle some theoretical problems of literature.*

***Key words**: speech genre, communication, units of communication, speech situation, literary work, speaker, writer.*

Мулоҳазаларимизда адабий асарга хос биттагина, бироқ наздимизда энг муҳим жиҳатдан туртки оламиз. У ҳам бўлса адабий асарнинг энг аввал нутқ ҳодисаси эканлиги. Зеро, адабий асарнинг яратувчиси – нутқ ирод этаётган одам, ёзмоқ – тасаввурдаги (имплицит) ўқувчига гапирмоқ ва айтганларини сўзма-сўз ёзувда акс эттириб бормоқ демакдир. Шунга мос ҳолда адабий асарнинг ўқувчиси – тинглаётган одам, негаки, ўқимоқ ҳам асли ёзувда мангуга муҳрланган нутқни қайта жонлантириш ва шу асно тасаввурдаги (имплицит) ёзувчини тингламоқ демакдир. Бир неча йиллар илгари биз адабий асарни ГАП деб тушунган ҳолда унинг айрим жиҳатларини нутқий коммуникация бирлиги бўлмиш гап билан қиёсан тавсифлашга ҳаракат қилгандик [4]. Ушбу мақола ўшанда бошлаган ишни якунлаш, айни масалага кенгроқ ва махсус тўхталиш истаги билан ёзилди.

I. Фарқлаш осон бўлсин деб “ГАП” ва “гап” шаклларида икки турли ифода этаётган бўлсак-да, улар коммуникатив қиммати нуқтаи назаридан тенг – иккиси ҳам биттадан коммуникатив бирлик. Шу ўринда синтактик бирлик сифатидаги гап билан коммуникатив бирлик сифатидаги гап фарқланишини таъкидлаш зарур. Коммуникатив бирлик сифатидаги гап (айни маънони руслар “высказывание” сўзи билан ифодалайди) диалогдаги репликага тенг бўлиб, унинг чегараси нутқ субъектининг алмашиши билан белгиланади. Яъни бу маънода диалогдаги ҳар бир репликани – у биргина товуш ё сўз, бир неча сўз ё бир неча гапдан таркиб топганидан қатъи назар – битта гап деб тушунамиз.

I.1. Худди биргина товуш ё сўз, бир неча сўз ё бир неча гапдан таркиб топганидан қатъи назар, диалог репликаси битта коммуникатив бирлик сифатидаги гап ҳисобланган каби, ижодий ният рўёби бўлмиш ҳар қандай асар – бир мисра ё минглаб мисралардан, биргина эпизод ё бир неча йиллик воқеалардан, бир неча дақиқалик кўриниш ва ё бир неча пардалардан таркиб топган бўлишидан қатъи назар – бадиий коммуникациянинг алоҳида битта бирлиги, тўлақонли адабий асардир. Яъни, масалан, мумтоз шеъриятдаги фард билан достон ва ё янги адабиётдаги новелла билан роман бу жиҳатдан ўзаро тенгдир. Диалогдаги репликанинг чегаралари нутқ субъектларининг алмашиниши билан белгиланса, адабий асарнинг чегараси ижод жараёни – ижодий ният туғилишидан то асарга сўнгги нуқта қўйилгунча ўтган вақт билан белгиланади.

I.2. Ҳар бир алоҳида олинган реплика диалог жараёнига нисбатан қисм. Зеро, диалогдаги реплика ўзидан аввалги репликаларга жавоб сифатида юзага келган, шу боис мазмуни ва руҳи улар билан боғлиқ. Репликалар орасидаги боғлиқлик табиатига кўра (бевосита ё бавосита) ҳам, мустаҳкамлигига кўра ҳам фарқли: одатда, яқин репликалар орасида бевосита, узоқлари орасида бавосита боғлиқлик кузатилади; айримларининг боғланиши ўта заиф, бошқаларини эса ажратиб бўлмайдиган даражада. Мисол тариқасида қуйидаги диалогни кўриб ўтиш мумкин:

- Шаҳарга кетяпман.
- Яхши боринг.
- Борасанми?
- Ҳа.

Ушбу диалогда биринчи реплика мазмунан нисбий мустақил, қолганлари эса турли даражда бир-бирига боғлиқ. Иккинчи реплика ўз ҳолича ҳам “тилак” маъносини беради, лекин мазмунини биринчиси билан боғлиқликдагина тўла намоён этади. Учинчи реплика ҳам худди шундай: биринчисига боғланган ҳолда “Ортимдан шаҳарга борасанми?” каби мазмунни ифодалайди. Тўртинчи реплика эса учинчи ва у орқали биринчи репликага боғланади ва шундагина мазмуни конкретлашади. Сираси, биринчи жумлани мустақил деганимиз ҳам шартли. Зеро, диалогнинг кенгайиб бориши баробари у ҳам мазмунан тўлишиб боради. Агар уни алоҳида олсак, фақат кетаётганлик хабарини уқамиз, бошқа жумлалар ўрамида эса муайян ҳаётий шароит ва ўзаро муносабатлардан келиб чиқувчи нозик психологик ҳолатлар ҳам илғанади. Кўринадики, муайян шароит ва маълум вақт оралиғида кечувчи диалог – нисбий бутунлик, шу боис ҳам у репликаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Худди шу каби, маълум вақт оралиғида мавжуд ижтимоий-маданий шароитда кечувчи адабий жараён ҳам нисбий бутунлик, айни ҳол шу даврда яратилган асарларнинг ўзаро диалогик алоқасини муқаррар этиб қўяди. Фақат адабий асарларнинг диалогик алоқаси доим ҳам очиқ кўзга ташланмайди, иккинчи томони, уларни ҳамма ҳам бирдек кўролмайди, чунки ўқувчиларнинг адабий жараёндан хабардорлик, унга яқинлик даражаси турличадир.

I.2.1. Адабий асарларнинг алоқалари ҳам табиати ва сифатига кўра диалогдаги репликаларнинг алоқалари каби. Масалан, юқоридаги диалогга қиёсан олсак, Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеъри билан Ғайратийнинг “Тузалган ўлкага” шеърлари ўзаро биринчи ва иккинчи репликалар (Шаҳарга кетяпман – Яхши боринг) орасидаги каби муносабатда. Чўлпон шеъри ғоявий-бадиий жиҳатдан мустақил, Ғайратий шеъри эса мазмун-моҳиятини “Бузилган ўлка”дан айри ҳолда намоён этолмайди. Ботунинг “Кел, бирга кулайлик” шеъри билан Чўлпоннинг “Тан бердим” шеъри орасидаги муносабат эса учинчи ва тўртинчи (Борасанми? - Ҳа) репликалар каби. Аввало, учинчи ва тўртинчи репликалар каби иккиси ҳам мазмунан мустақил эмас. Боту шеърининг мазмуни Чўлпоннинг “пессимистик” дея танқид қилинган шеърларисиз (худди “Борасанми”нинг мазмуни “Шаҳарга кетяпман”сиз тўлиқ бўлмагани каби) чала, тушунарсиз бўлиб қолганидек, Чўлпон шеърининг мазмуни ҳам уларга боғланган ҳолда конкретлашади. Бундан ташқари, худди “Ҳа” диалогда “Борасанми” орқали “Шаҳарга кетяпман”га боғлангани каби, Ботунинг аниқ бир шеърига жавоб ўлароқ ёзилган шеър айни пайтда Боту ва унга ҳамфикр ўзга шоирларнинг шу мазмундаги бошқа шеърларига (яъни аввалги репликаларга) ҳам жавобдир.

I.2.2. Диалогдаги репликаларни умумий мавзу (ва унга боғлиқ мавзучалар) ва суҳбат руҳий атмосфераси бирлаштиргани каби, давр адабиётида яратилган асарлар ҳам, аввало, мавзу ва ижтимоий кайфият умумийлиги билан характерланади. Дейлик, бу жиҳатдан “Кеча ва кундуз” билан “Қутлуғ қон” бир-бири билан мустаҳкам алоқада, улар битта масалада сўз юритгани ҳолда муносабат (модаллик) жиҳатидан фарқланади: бири инкор қилса, иккинчиси тасдиқлайди.

I.2.3. Диалогдаги реплика спонтан эмас, аксинча, у нутқий вазият тақозосидир. Бошқача айтсак, сўзловчи оғзига келганини эмас, нутқий вазият талаб этаётган гапни айтади. Айни қоида адабий жараёнда ҳам тўла амал қилади ва бу адабий асарлар орасидаги диалогик алоқанинг яна бир муҳим омилидир. Ўтган асрнинг 60-йилларида Ойбекнинг “Болалик”, А.Қаххорнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссалари яратилгани ёки Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”ни ижтимоий таҳлил томонларини кучайтириб қайта ишлагани айни омил натижаси деб қаралиши мумкин. Зеро, буларнинг бари муаллифларининг ўзлари билган ўтмишни қайта идрок этиш ва баҳолаш эҳтиёжидан туғилган, бу эҳтиёжнинг ўзи эса жамият Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини бартараф этишга астойдил киришган давр шароити маҳсулидир.

1.3. Диалог репликалари, табиийки, нутқ жараёнида яратилмайди, сўзловчи тайёр тил материаллари (сўзлар ва гап қолиплари)дан ўзи етказмоқчи бўлган мазмунни ифодалаш учун фойдаланади. Яъни айни пайтда кечаётган суҳбат тил анъаналарининг бевосита давоми демакдир. Шунга ўхшаш, бугунги кунда яратилаётган адабий асар ҳам миллий адабий анъаналардан ўсиб чиқади ва ўзи ҳам тезда анъанага дўнади.

1.3.1. Суҳбат асносида сўзловчида ўзи қўллаган ифодалардан қониқмаслик ҳисси ва шундан келиб чиқувчи фикрини аниқроқ ва таъсирлироқ ифодалашга интилишнинг ҳамиша мавжудлиги нутққа мудом янги ифода, шакл ва услублар кириб келишининг асосидир. Худди шу сингари, адибу шоир борки, воқеликни жонли тасвирлашу фикр-туйғуларини ёрқин ифодалашни қасд этиб, эришганига қаноат қилмай қалам суради ва айни ҳол бу борадаги ижодий изланишларни бардавом этади.

1.3.2. Халқларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маиший, маданий алоқалари энг аввал тилда акс этади. Зеро, бунда тил ўзга тил унсурларини ўзлаштиради, шу ҳисобга ифода имкониятларини кенгайтиради. Ўзлигини сақлаш учун тил ўзга тил унсурларидан ўз табиатига мос, руҳига сингишадиган унсурларнигина қабул қилади, уларни ўзига мослаб *ўзлаштиради.* Шунга ўхшаш, миллий адабиётга ўзга адабиётлардан кириб келган адабий асар шакллари ҳам том маънода *ўзлашган,* ўзиникига айлангандир. Зеро, ўзлашган сўзнинг шакли (талаффузи), руҳи ва мазмуни ўзбекчалашгани каби, масалан, *роман* ҳам миллий хусусиятлар касб этган, шу боис ҳам тўла асос билан *ўзбек романи* дейилади.

1.3.3. Кишиларнинг тил воситасида ўзаро ахборот алмашишини рўёбга чиқарувчи асосий омиллардан бири уларнинг онгида тайёр гап қолип (конструкция)ларининг мавжудлигидир. Зеро, шу қолипларга тил материали – сўзларни жойлаштириш орқали фикр шакллантирилади ва ифода этилади; таниш қолипларга тизилган сўзларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб фикр уқилади (тингловчи онгида қайта шакллантирилади). Шу сингари, онгимизда тайёр адабий асар конструкциялари – *жанр қолиплари* мавжудки, уларга ҳаёт материалини жойлаган ҳолда бадиий мазмун шакллантирилади.

II. Репликада сўзловчининг онгида айни пайтда кечаётган ҳолат акс этганидек, адабий асарда санъаткорнинг ижод онларидаги маънавий-руҳий ҳолати муҳрланади. Бу ўринда иккита нуқтани таъкидлаб қайд этиш лозим: 1) нутқ моменти ҳам, ижод онлари ҳам изоляцияланган эмас, аксинча, бутуннинг қисмидир; 2) нутқ моментида сўзловчи онгида кечаётган ҳолат ҳам, санъаткорнинг ижод онларидаги маънавий-руҳий ҳолати ҳам спонтан эмас, аксинча, қатор субъектив ва объектив омиллар билан белгилангандир.

II.1. Репликада акс этган нутқ моментидаги руҳий ҳолатда сўзловчи шахсияти – инсоний фазилат ва нуқсонлари, феъл-хуйи, интеллектуал савияси, маънавий қиёфаси ва ш.к.лар муҳри бор. Бироқ булар репликада тўғридан-тўғри эмас, балки нутқ моменти орқали, ундаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар призмасидан ўтиб аксланади. Демак, репликанинг мазмуни уни ким ва қандай вазиятда айтаётганига боғлиқ конкретлашади. Шунга ўхшаш, адабий асарда акс этувчи ижод онларидаги маънавий руҳий ҳолатда ҳам, шубҳасиз, муаллиф шахсияти – унинг ҳаёт йўли билан боғлиқ характери, дунёқараши, орзу-интилишлари ва ш.к.лар муҳри бор. Бироқ булар ҳам адабий асарда тўғридан тўғри эмас, ижод жараёни кечаётган вақтдаги шароит (ижтимоий ва шахсий ҳаёт, маданий муҳит, маърифий ҳолат ва ш.к.)дан келиб чиқувчи кайфият фокусидан ўтган ҳолда аксланади. Демак, адабий асар мазмунини саналган омилларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш хато, улар санъаткорнинг ижод онларидаги маънавий-руҳий ҳолатини тасаввур (ҳис) қилиш имконини яратиши жиҳатидан аҳамиятли. Зеро, уларнинг ёрдамида ҳосил қилинган тасаввур адабий асарнинг мазмун моҳияти ва руҳини тўғри тушуниш ва талқин қилиш асосидир.

II.2. Сўзловчининг репликада акс этган нутқ моментидаги руҳий ҳолати том маънода бетакрордир. Зеро, у айни шу руҳий ҳолатга қайта кира олмайди, бас, репликани айни шу мазмун ва руҳда қайта айта олмайди. Шунга ўхшаш, муайян асарни яратиш онларидаги маънавий-руҳий ҳолат ҳам бетакрор, айни шу ҳолатга санъаткор қайта кира олмайди. Бу эса айни маънавий-руҳий ҳолатдан чиққач, муаллиф асарни сайқаллаши мумкин холос, мазмуни ва руҳига дахл қилувчи ҳар қандай ўзгартириш унга “ямоқ” бўлиб тушади деганидир.

II.3. Халқ мақоли айтилган гапни отилган ўққа қиёс қилади. Мақолнинг энг кенг оммалашган маъноси “айтилган гапни қайтариб бўлмайди” дегани, яна у “айтиб бўлган гапингнинг эгаси эмассан” деган маънода ҳам фаол ишлатилади. Ҳақиқатан, шундай. Дейлик, сўзловчи айтган гап бировга озор етказди, у буни чиндан-да истамаган. Лекин энди кеч, айтилган гап моддийлашиб бўлди, эшитувчи уни ўз талқинида тушунишга ҳақли. Сўзловчи ҳар не куйиниб “ундай эмас, бундай демоқчийдим” десин, эшитувчи кўнглини озордан тамом фориғ этолмайди. Негаки, айтилган, яъни товушларда моддийлашган гап унингча талқин қилишга ҳам изн беради. Демак, сўзловчи талқини ҳам имкониятдаги талқинлардан бири, холос, алоҳида мавқе тутмайди. Шу маънода, эълон қилинган адабий асар ҳам энди муаллифники эмас, ўқувчи уни ўзича тушунишга ҳақли, бунда ҳам муаллиф талқини охирги инстанция бўлолмайди. Демак, гоҳ-гоҳ учраб турадиган муаллифнинг танқидчиликдаги талқинларга қарши чиқиши ёки мунаққиднинг асар ҳақидаги муаллиф сўзларига бешак далил сифатида ёпишиб олиш ҳоллари тўғри эмас.

III. Айтилган гап ёхуд эълон қилинган адабий асарни турли-туман талқин қилиш имкониятлари ҳамиша мавжуд ва бу табиий ҳам қонуний бир ҳолдир. Зеро, сўзловчи фикр етказмайди, балки фикр ифодаси учун шакллантирилган гап – товушлар комбинациясини етказади; тингловчи эса, ўз навбатида, ўша товуш комбинацияларини фи-

крга айлантиради ва шу тариқа ахборот алмашиш содир бўлади. Яъни тингловчи шунчаки ахборот қабул қилувчи мослама эмас, балки мазмунни қайта яратувчидир. Шунга ўхшаш, адабий асар ўқувчиси ҳам пассив қабул қилувчи эмас, асар бадиий воқелигини қайта яратувчидир.

III.1. Қадимдан "ифода этилган фикр ёлғон" деган нақл келади. Бунинг асоси инсон ўйлаб ва ё ҳис қилиб турганини сўз билан тугал ифодалашга ожизлиги, демакки, ўйидаги билан тилидагининг фарқ қилишидадир. Яъни ифода ҳамиша сўзловчи ифодалашни истаганидан кўра тор, чаладир. Нутқий мулоқот пайти тингловчи буни ҳис қилиб туради, ифодадаги кемтикларни (экстралингвистик омилларга диққат қилиш, сўзловчи билан муносабатлари контекстини хотирга келтириш ва, қисман, тасаввурини ишга солиш асосида) тўлдириб олиш пайида бўлади. Шунга ўхшаш, адабий асарда ҳам муаллиф айтмоқчи бўлганларини тўла ифодалай олмайди, бунда ифодадаги кемтиклар ўқувчининг ижодий тасаввурни тўла ишга солиши ҳисобига тўлдирилади. Жонли мулоқотдагидан кўра мураккаблиги шундаки, бунда бир қатор экстралингвистик омиллар (ритм, темп, тон, умуман интонация) ҳам матн асосида қайта яратилиши зарур бўлади.

III.2. Диалог иштирокчиларининг барчалари мазмун яратувчи субъект экан, у ҳолда сўзловчи етказмоқчи бўлган (ва ўз наздида етказган) мазмун билан тингловчи англаган мазмун айнан бир нарса бўлолмайди. Адабий асар мисолида эса мазмун яратувчи субъектлар сони (ёзувчи + ўқиган ҳар бир ўқувчи) ғоят кенг, бас, талқинлар сони ҳам шунга мутаносибдир.

III.2.1. Муайян вазиятда айтилган реплика суҳбат иштирокчиларининг айримларига бир, қолганларига бошқа бир маънони етказиши мумкин. Масалан, суҳбат жараёнида биров иштирокчиларнинг бари танийдиган одам ҳақида "Аҳмад ака хўроз-да!" деб айтди. Тингловчиларнинг бириси чўзиб "ҳа-а", тағин бириси бош ирғаб, бошқаси имою сўзсиз ушбу баҳони маъқуллади. Қизиғи, бу ўринда чинакам ахборот алмашуви амалга ошмади, чунки биринчи тингловчи "Аҳмад ака тезда уришиб кетадиган, жанжалкаш одам" деб билади; иккинчиси "Аҳмад ака аёлларга ўчроқ, "юрадиган" одам"лигидан хабардор, учинчиси "Аҳмад ака – мард одам" эканига амин бўлган, ҳолбуки, сўзловчи "Аҳмад ака аёллар бригадаси бошлиғи" эканини назарда тутганди, холос. Албатта, тингловчилар англаган мазмунларда субъективлик устивор, бироқ улар объектив асос – айтилган гапдан ўсиб чиқаётирки, уларни инкор қилиб бўлмайди. Шунга ўхшаш, адабий асар талқини ҳам муаллиф назарда тутгандан тамом бошқа бўлиши мумкин ва бунга табиий деб қарамоқ жоиз. Бу ўринда фақат биргина талаб ўринли: *талқин матндан ўсиб чиқиши шарт*.

III.2.2. Айрим ҳолларда турлича тушуниш имконияти сўзловчи томонидан атайин яратилади. Масалан, биров баҳорда қайтариш шарти билан қарз берган одам иштирок этаётган суҳбатда "Мана, баҳор ҳам келди!" деса, буни қарздор "Қарзни қайтариш вақти келди!" маъносида, бошқалар ўз маъносида тушунадилар. Мазкур ҳолатдаги битта реплика билан адресатларга турлича маънолар етказилишида атайинлик (албатта, бундай вазият табиий равишда ҳам юзага келиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди) бор, яъни сўзловчида мақсадли равишда шу тарз гапириши имконияти бор. Шунга ўхшаш, адабий асар ҳам муаллифнинг хос ўқувчисига бошқа, оммага бошқа мазмунни етказиши мумкин. Масалан, Чўлпон "Соз" тўпламининг биринчи шеърини "Бир неча йил қантаргач, Яна олдим созимни. Энди айтиб йиғламас, Кўнгилдаги розимни" деган сатрлар билан бошлайди. Бу билан у, бир томондан, шўроча тарбия топган ўқувчига "энди шўродан нолиб йиғлоқи шеърлар ёзмайман" дея ваъда беради; иккинчи томондан, хос ўқувчисидан "созим энди кўнгил розини айтолмайди" дея узр сўрайди.

III.2.3. Аввалги (III.2.2) бандда тавсифланган каби мазмун плани иккига ажралиши бошқа омиллар таъсирида, аниқроғи, мажбурият орқасида юзага келиши нутқий мулоқотда кўпроқ учрайди. Диалог кечаётган вазият сўзловчига доим ҳам ўйидагини эркин ифодалаш имконини бермайди: гоҳ ижтимоий-сиёсий шароитни ҳисобга олиб, гоҳ миллий ё маданий анъаналар ҳурматидан, гоҳи суҳбатдошлар андишасини қилиб битта гапдан қолишига тўғри келади. Аксига олиб, айни ҳол сўзловчидаги айтиш эҳтиёжини кучайтиради ва у бир йўлини қилиб – киноя, қиёс, мажоз каби воситалар орқали фикрини ифодалашга интилади. Айтиш керакки, бу тарз айтилган репликага сўзловчи юклаган мазмун диалог контекстидагина тушунилади. Шунга ўхшаш, адабий асар ҳам яхлит ҳолича киноя (мас., А.Орипов. "Чол ва коммунизм қиссаси"), қиёс (мас., А.Қаххор. "Даҳшат") ё мажоз (мас., Ойбек. "Наъматак")га айланиши мумкин. Бундай асарларга муаллиф юклаган мазмун ҳам фақат контекст (асар яратилган даврдаги шароит, етакчи ижтимоий кайфият, муаллиф дунёқараши ва ш.к.) доирасида англашилади.

IV. Нутқий мулоқотга киришаётган сўзловчи ҳам, бадиий мулоқотга киришаётган ижодкор ҳам репрезентатив (тингловчи ё ўқувчига информация етказиш), экспрессив (информацияга ўз муноса-

батини ифодалаш) ва аппелятив (тингловчи ё ўқувчига таъсир ўтказиш) мақсадларни кўзлайди. Шу боис коммуникатив бирлик бўлмиш репликада ҳам, адабий асарда ҳам шу учала мақсад ҳар вақт ҳозир, фақат ҳар бир конкрет бирликда уларнинг салмоғи турличадир. Табиийки, коммуникатив бирлик (реплика ё адабий асар)нинг ташкилланиши (структура) шу учала мақсадни рўёбга чиқариш учун оптимал имкон бериши лозим. Шунақа экан, реплика (гап)нинг қурилиши билан адабий асар структураси орасида аналогиялар бўлиши табиий. Француз адабиётшуноси Р.Барт: "структура нуқтаи назаридан ҳар қандай ривоявий матн гап моделига мувофиқ қурилади... ҳар қандай ҳикоя – бу катта гап" [2.391], деб ҳисоблайди.

IV.1. Албатта, Р.Барт фикрини мутлақлаштириб бўлмайди, лекин маълум асосга эгалигини ҳам инкор қилиш мушкул. Негаки, ҳақиқатан ҳам, ҳикояларнинг композицион қурилиши, кенгроқ қарасак, гап моделларини ёдга солади. Дейлик, "Новвой қиз" (Чўлпон) ҳикояси контраст усулида қурилган бўлиб, унинг иккита қисми бир-бирига қарши қўйилгани, масалан, "Юрган дарё – ўтирган бўйра" қолипида; "Оқподшонинг инъоми" ҳикоясининг қолипи сифатида эса қуйидагича гапни тузиш мумкин: "Уста Тўхташ мукофот оламан деб, ажабтовур ковуш ясади ва уни виставкага юбориб, ўзи мукофот илинжида орзиқиб хушхабар кутди: оқподшодан унга катта "испасиба" келтириб беришди". Хуллас, аксарият ҳикояларнинг қурилиши, уларнинг қисмлари ёки сюжетини ташкил қилган воқеалар орасидаги алоқаларни шу тарз гап моделлари орқали ифодалаш мумкин [5]. Бу эса реплика (гап) ва адабий асар қурилишида умумий қонуниятлар амал қилишидан далолатдир.

IV.2. Композицион усуллар билан синтактик усуллар орасида аналогиялар кузатилиши ҳам қонуниятлар умумийлигидандир. Масалан, гап бўлакларининг одатдаги тартибини ўзгартириш – инверция усули билан сюжет воқеалари тартибининг ўзгартирилиши моҳиятан бир нарсадир. Ёки тмезис – гап ичига унга грамматик жиҳатдан боғланмаган гап ёки бўлакнинг киритилиши билан асар сюжетига бевосита боғлиқ бўлмаган воқеаларнинг киритилиши ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Шунга ўхшаш, адабий асарнинг композицион қурилишида параллелизм, градация, эллипсис каби синтактик усулларнинг ҳам муқобилларини кўрсатиш мумкин.

IV.3. Адабий асар композициясида гапни мураккаблаштирувчи унсурларнинг аналоглари ҳам яққол кўзга ташланади. Дейлик, модал конструкциялар гапга мазмун ва грамматик жиҳатдан боғланмай, сўзловчининг ўзи етказаётган информацияга муносабатини ифодалайдики, моҳияти ва вазифасига кўра улар воқеабанд асарлардаги лирик чекиниш кабидир. Ёки Р.Акутагаванинг машҳур "Чангалзорда" ҳикоясида қўлланган усул – битта воқеанинг уч иштирокчи томонидан ҳикоя қилиниши қай бир маънода уюшиқ бўлаклар билан мураккаблашган гапни эслатади.

Хуллас, нутқий жанр ва бадиий коммуникация воситаси сифатида адабий асар нутқий коммуникация бирлиги бўлмиш гап билан кўплаб умумий жиҳатларга эгадир. Буларни яна бир карра эслатишга ҳаракат қилганимиз, адабий асарга нутқий жанр сифатида ёндашганимиз ўша умумий жиҳатларни шунчаки кўрсатиб бериш учун эмас, албатта. Бизнингча, айни ёндашув адабий асар, адабий жараён, адабий асар талқини, адабий-бадиий ижод табиати каби қатор назарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга йўналиш, андоза бериши билан аҳамиятлидир.

## Адабиётлар:

1. Потебня А. Эстетика и поэтика.- М.,1976
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.- М.,1986
3. Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов//Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.- М.,1987
4. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.- Т.: Шарқ, 2004
5. Қуронов Д. Бадиият сирлари.// Тафаккур.- 1996.- №4.- Б.

*Андижон давлат университети,*
*2014 йил 23 июнда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)*